

ИЖТИМОЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ОММАЛАШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Шокирова Шалола Шукуруллаевна

Навоий вилояти “Саодат сари” ижтимоий қўмак

маркази раҳбари, мустақил тадқиқотчи

Коронавирус пандемияси бизга тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг даромадини ошириш, меҳнат муносабатлари ва ишбилармонликда имконияти чекланган шахслар иштирокини кенгайтириш устувор вазифалардан бири эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Албатта, бундай мураккаб шароитда аҳолини, айниқса, унинг еҳтиёжманд қатламини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиб, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхатига киритилган оиласаларга Республика бюджетидан моддий ёрдам пули берилди. Лекин давлат ғазнаси томонидан берилган бир марталик ёрдам билан уларнинг муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Замоннинг ўзи бизга ҳар бир оила тадбиркор, хунарманд, миришкор бўлиши кераклигини, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларга камида иккита хунар ўргатиш кераклигига белги берди. Айни соҳада ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш муаммога мақбул ечимлардан бири бўлди.

Ижтимоий тадбиркорлик – бу жамиятнинг ижтимоий, экологик ва иқтисодий муаммоларини бизнес усуслари билан бартараф этишга қаратилган фаолиятдир. Ижтимоий тадбиркорлик бошқа тадбиркорликдан фойда ўрнига жамият манфаатини устун қўйиш билан фарқланади. Бунда ижтимоий, иқтисодий ва экологик таркиблар барқарор мувозанатда бўлади. Яъни ижтимоий тадбиркорликда "уч барқарорлик" (triple bottom line) концепцияси асос бўлиб, у жамият (social), иқтисодиёт (economic) ва атроф-муҳит (environmental) манфаатларини тенг мувозанатда сақлашни назарда тутади. Бунинг мақсади – фаолиятнинг барча жиҳатларини узлуксиз ва инклузив ривожланишини таъминлашдир.

Ижтимоий тадбиркорлик уч турда намоён бўлади. Биринчи турда нодавлат нотижорат ташкилотлар ушбу фаолият билан шуғулланиб, мақсадли гуруҳи ва жамият манфаати учун ишлайди. Иккинчи турда эса ижтимоий кўринишдаги корхоналар ушбу фаолият билан шуғулланиб, улар фойда билан бирга ижтимоий манфаатни кўзлайди. Учинчи турдаги корхоналар эса барқарор бизнес моделлари каби бўлиб, бунда табиий ресурсларни аҳамиятсиз истеъмол қилмасдан, ижтимоий манфаат ва иқтисодий фойдани бирлаштирадиган

инновацион йўналтирилган иш ташкил этилади. Уларнинг асосий мақсади – иқтисодий ўсишни экология ва жамият манфаатлари билан мувозанатлаштиришдан иборат.

Юқоридагиларни инобатга олиб ижтимоий тадбиркорликни жорий этиш афзаликларига тўхталиб ўтамиз.

1. Ижтимоий муаммоларни ечиш – Тадбиркорликнинг ижтимоий жиҳатини ривожлантириш орқали ноҳақ муносабатлар, иқтисодий нотенглик, экологик муаммолар каби долзарб масалаларга самарали ёндашувлар топилади.

2. Янги иш ўринларини кўпайтириш – Ижтимоий тадбиркорлик лойиҳалари аҳолини бандиликка олиб келиб, айникса ёшлар ва аёллар учун иш билан таъминлаш имкониятини яратади.

3. Ижтимоий адолатни кучайтириш – Қабул қилинадиган ижтимоий тадбиркорлик моделлари камбағал аҳолига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали тараққиётда тенгликни таъминлайди.

4. Иктиносий ўсишга таъсир – Ижтимоий соҳадаги лойиҳалар иктиносий фаолликни ошириб, давлат ва жамиятнинг умумий ривожига хисса кўшади.

5. Иновация ва креативликни ривожлантириш – Ижтимоий тадбиркорлик янгича бизнес моделларини, технологияларни ва ижтимоий ғояларни қўллаб-куватлайди.

6. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш – Ижтимоий тадбиркорликнинг глобал тармоқлари билан алоқа ўрнатиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

7. Экологик барқарорликка эришиш – Ижтимоий тадбиркорликнинг кўпгина йўналишлари атроф-муҳитни асраш, қайта ишлатиш ва барқарор истеъмол принципларига асосланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ижтимоий тадбиркорликни оммалаштириш жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан ривожланишига муҳим ҳисса қўшади. У ноаниқ шароитда ҳам инсонларни бирлаштириб, умуминсоний манфаатларга хизмат қиласди. Унинг муваффақияти учун инновация, шаффофлик ва барқарорлик асосий тамойил бўлиши керак.